МЕҲРЖОН — ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ 3-бет

ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЮРТИМИЗ ФАХРИ 4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБОНИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ 7-бет

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ 8-бет

ЖУМА

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 185 (10.240) / 2004 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРЬ

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мун Хаёнг 23 сентябрь куни Оқсаройда ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Жанубий Кореяни ўзининг ишончли шерикларидан деб билишини ва ўзаро ҳамкорликни қадрлашини таъкидлади. Элчига юртимизда бошлаётган миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Корея Республикаси элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини қайд этди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ханс-Йоахим Кидерлендан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормокда. Президент Ислом Каримов алоқалар кўламини янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам имкониятлар кўп эканлигини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантирищдан мамлакатларимиз бирдек манфаатдор.

Германия элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги алоқалар янада долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Ўзбекистондаги фаолияти давомида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида сиёсий партиялар вакилларига парламент сайловида сиёсий партияларнинг иштирокини қўллаб-қувватлайдиган сайловчилар имзосини тўплаш учун белгиланган намунадаги имзо варақалари берилди.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига биноан белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган маълумотномасига мувофиқ мамлакатимизда бешта сиёсий партия шундай партиялар сирасига киради:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.
2. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси.
3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси.
4. Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси.
5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ушбу партияларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун партия иштирокини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида /Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри/ сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақалари топширилганидан сўнг улар тўғри тўлдирилганлигини текшириш Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинади. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сиёсий партиялар парламент сайловида қатнашиш учун Марказий сайлов комиссиясига 17 октябрга қадар барча зарур ҳужжатларни, шу жумладан имзо варақаларини тақдим қилишлари керак.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан ташкил этилган «Тасанно» фестивали кеча ўз ишини якунлади.**

**● Тошкентда чиқиндиларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.**

**● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий китобхонлик кунлари бошланди.**

**● «Маҳалла» республика хайрия жамғармасида маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари ва талабалар иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

**● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлими томонидан махсус мактаблар ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига кийим-кечак, дори-дармон ва турли ўйинчоқлар совға қилинди.**

**● Янги технологик линиялар ўрнатилган «Норин тола» ҳиссадорлик жамияти пахта тозаловчилари жорий йилда 30 минг тонна хом ашёни қайта ишлаб маҳсулотнинг асосий қисмини экспорт қилиш йўлида фаолият кўрсатмоқдалар.**

**● Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Навоий вилоятидаги Абай ва «Қизилқум» қоракўл хўжаликлари ташкил этилганлигига 40 йил тўлиши муносабати билан уларни 2 та «Матиз» автомашинаси билан тақдирлади.**

### Жаҳонда

**● Нью-Йоркда ўтказилаётган БМТ Бош Ассамблеясининг 59-сессиясида асосан Ироқ муаммоси муҳокама қилинмоқда. Анжуманда сўзга чиққан АҚШ Президенти Жорж Буш БМТ ва жаҳон ҳамжамиятини Ироқнинг янги ҳукуматига ёрдам беришга чақирди.**

**● Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош тоғли ҳудудидан террорчиларнинг йирик қурол-яроғ омбори топилди. Энг сўнгги русумдаги қуроллардан тортиб, йўлдош алоқалар қурилмалари ва компьютерлар мавжуд бўлган ушбу омборни Покистон ҳукумати Усама бин Лодинга тегишли деб тахмин қилмоқда.**

**● Вашингтондаги АҚШ федерал судида мамлакатда фаолият кўрсатаётган энг йирик тамаки маҳсулотлари компаниялари устидан ҳукуматнинг даъво аризаси бўйича суд жараёни бошланди.**

## БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

**«Ўзини миллатнинг, халқимизнинг ҳақиқий фарзанди деб ҳисобловчи ҳар бир фидойи инсон болалар спортини ривожлантириш масаласига бефарқ бўлмаслиги керак».**

**Ислом КАРИМОВ**



**Дарҳақиқат, юқоридаги фикрлар замирида чуқур маъно бор. Болалар — бизнинг келажагимиз. Уларни қанчалик соғлом, одобли, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказсак эртанги кунимиз ҳам шунчалик нурли бўлади.**

**Зеро, «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган.**

**Мустақиллик бошқа жабҳалар сингари болалар спортининг ривожланишига ҳам кенг қанот берди. Айниқса кейинги йилларда ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимизнинг ғамхўрликлари туфайли мамлакатимизда кўплаб замонавий спорт мажмуалари, стадионлар очилди, ҳар хил спорт турлари бўйича тўгараклар ташкил этилди. Ҳатто мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам болажонларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилди. Айниқса, 2002 йилнинг октябрь ойида Президентимиз ташаббуслари билан ўсиб келаётган авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб шакллантиришдек хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши бу ишларнинг янада ривожланишига кенг имкониятлар очди.**

**Турли нуфузли халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон Кубоги баҳсларида 130 та олтин, 85 та кумуш ва 111 та бронза медалларини қўлга киритган (ушбу медалларнинг деярли барчасининг соҳиблари иқтидорли болалар ва ўсмирларимиздир) каратэчиларимиз ҳам болажонларнинг соғлом, эпчил, чаққон ва бақувват ўсишлари, ватанпарвар инсонлар бўлиб етишишлари йўлида муҳим ҳисса қўшиб келишмоқда.**

**Бугун бошланган каратэ бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари ҳам болалар спортига эътиборни яна бир бор намоён этади.**

**Бизнинг Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти, Ўрта Осиёда ягона 6 ДАН қора белбоғ соҳиби, Осиё Каратэ федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Нурхон НАФАСОВ билан суҳбатимиз ҳам ўзбек каратэчиларининг жаҳон майдонидаги ютуқларининг негизи, ёш чемпионларни етиштиришнинг «сир-асрорлари», умуман каратэ спортининг ўзига хос жиҳатлари хусусида кечди.**

Шаҳримизда болалар спорти ривожи тўғрисидаги материаллар билан газетанинг 4-5-бетларида танишасиз.

**БУГУН шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамкорлигида ташкил этилаётган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бошланди.**

# МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

**Тошкентда бошланган халқаро конференция Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларига бағишланган. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Гессен университети, Фридрих Эберт номидаги жамғарма ва «Фольксваген» (ГФР) жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Икки кунлик конференцияда Европа ва Осиёнинг 16 давлати, жумладан Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Бельгиядан сиёсий арбоблар, экспертлар, дипломатлар қатнашмоқда.**

Таъкидландики, сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти анча ортди. Шу боис минтақа давлатлари учун хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш энг муҳим масалалардан бирига айланди. Уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини минтақамиз давлатлари билан иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор аксарият ривожланган мамлакатлар қўллаб-қувватламоқда.

Янги минг йиллик аввалида дунё глобал хусусиятга эга қатор таҳдидларга — халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка дуч келди, деди ўз сўзида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов. Сўнгги вақтда турли мамлакатларда амалга оширилган қатор қўпорувчилик ҳаракатлари террорчилик хавфи айниқса ортиб бораётганини кўрсатди. Бундай ёвузликлар нафақат айрим давлатларда, балки бутун минтақаларда жиддий низолар пайдо бўлиш хавфини кучайтирмоқда. Терроризм ташкилотчилари дунё бўйлаб нафрат ва жаҳолат, агрессив экстремизм мафкурасини тарқатмоқда.

Уни молиявий жиҳатдан таъминлаб турувчи наркобизнес ҳам нотинчлик омили бўлиши мумкин. Айниқса, бу масала Марказий Осиё мамлакатлари учун жуда долзарбдир. Чунки Афғонистонда етиштирилаётган гиёванд моддалар транзити мазкур минтақа орқали амалга оширилади. Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти минтақада хавфсизликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришни талаб этади. Ўзбекистоннинг хавфсизликни кучайтиришга қаратилган ташаббуслари бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг очилиши, наркобизнес билан боғлиқ жиноятчилик ҳақида маълумотларни йиғиш ва таҳлил этиш учун Марказий Осиё минтақавий ахборот-таҳлил марказини ташкил этиш ташаббуси — буларнинг барчаси давлатимизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсатининг амалдаги ифодасидир.

Хавфсизлик йўлида ҳамкорликни кенгайтириш муаммони ҳал этишнинг ягона тўғри ечимидир. Буни конференциянинг очилишида сўзга чиққан Гессен университетининг Марказий Осиё бўйича лойиҳаси раҳбари Раймунд Зайдельман, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг минтақамиз бўйича лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Райнхард Крумм, Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ханс-Йоахим Кидерлен алоҳида қайд этди. Европа Иттифоқининг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганиш Марказий Осиё минтақасида зарур ҳаракатларни ташкил этиш учун қўшимча имкониятлар очиши мумкин.

Анжуманда таъкидланганидек, Марказий Осиё мамлакатлари тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда халқлар ва давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг бой тарихига эга. Ўз навбатида, бу тажриба бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис Германия университет ва жамғармалари конференцияда муҳокама қилинган муаммоларни ўрганишга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун юртимиздаги ташкилотлар билан самарали алоқаларни ривожлантириш ниятида.

Конференция очиқ мулоқот ва самарали тажриба алмашиш руҳида ўтмоқда.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЙРИЯ ҲАРАКАТИНИНГ ЛОНДОНДАГИ ТАҚДИМОТИ

**Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида Бирлашган Қироллликнинг 16 та йирик хайрия ташкилоти вакиллари иштирокида мамлакатимиз хайрия ташкилотларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Унда "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилик болалар жамғармаси васийлик кенгаши раиси Л.Каримова қатнашди. У "Сен ёлғиз эмассан" ва "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармалари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мультимедиа материалини намойиш этди. Маросим иштирокчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрия фаолияти ва ҳаётга тадбиқ этилаётган лойиҳалар ҳақида сўзлаб берди, йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Қирқ йилдан кўпроқ тарихга эга "British East-West Center" хайрия ташкилоти директори лорд Кромвель Ўзбекистон хайрия ташкилотлари фаолиятига юқори баҳо берди. У тақдимот маросими икки мамлакат ноҳукумат хайрия ташкилотлари вакиллари учун бевосита алоқалар ўрнатиш, фикр алмашиш ва қўшма лойиҳалар белгилаш учун қулай имконият яратганини ҳам таъкидлади.

Ўзбекистон билан бир неча йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келаётган "Eye Contact" ташкилоти раҳбарлари Адриан ва Жанет Стеннардлар мамлакатимизнинг кўзи ожиз болаларига ёрдам беришда давом этиб, ҳамкорликни янги самарадор даражага кўтаришга умид қилаётганликларини айтишди. Улар "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси билан кенг ҳамкорлик ўрнатиш ниятида эканини изҳор қилишди ва Ўзбекистон томонига кўриш қобилияти чекланган кишилар учун мўлжалланган "Брайль" ёзув машиналарини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалани муҳокама қилишни таклиф қилди.

"Биз тез кунларда Ўзбекистонга ташриф буюриб, ижтимоий муҳофазага муҳтож, серфарзанд оилаларга маслаҳат бериш хизматини йўлга қўйиш имкониятини муҳокама қилмоқчимиз", - деди болаларга кўмак бериш соҳасида ихтисослашган "Everychild" хайрия жамғармаси вакили Ричард Картер "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида. У ушбу лойиҳага ЮНИСЕФ болалар жамғармасини ҳам жалб этиш режалаштирилаётганини айтди.

Ташриф дастури доирасида "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси вакилларининг Бирлашган Қироллик ноҳукумат хайрия ва жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, жумладан, "Оксфам" йирик хайрия ташкилотининг Шарқий Европа бўйича директори Адам Лич, "World Vision" хайрия жамғармаси васийлик кенгаши аъзоси Алан Белл, "Sainsbury Family Charities" жамғармаси раҳбари Сейнсбури хоним, "Буюк Британия-Ўзбекистон" жамияти президенти сэр Тимоти Сейнсбури ва ушбу жамият раиси Хартли Бут билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Британия томони "Сен ёлғиз эмассан" жамғармасининг меҳрибонлик уйларидаги болаларга таълим-тарбия беришни такомиллаштиришга қаратилган дастурларига катта қизиқиш билдирди. Ўзбекистон томонига Буюк Британия хайрия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ҳамкорлик қирралари ва ўзаро мулоқотни Тошкентда давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Республикамиз пойтахтида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, етим болалар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қўшма лойиҳалар уйғунлаштириб олинади.

Ўзбекистон вакиллари "Foundling" етимхонасига ташриф буюришди, Буюк Британиядаги етим болалар турмуш шароити ва тарбияланиш имкониятлари билан танишишди.

Ўзбекистон ноҳукумат нотижорат хайрия ташкилотларининг Буюк Британиядаги тақдимот маросими инглизларга Ўзбекистондаги хайрия фаолияти ва ижтимоий дастурлар кўлами ҳақида биринчи марта батафсил маълумот олиш имконини берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Буюк Британияда Ўзбекистондаги хайрия ҳаракатини тақдим қилган "Сен ёлғиз эмассан" ва "Соғлом авлод учун" жамғармалари Ҳамдўстлик давлатлари хайрия жамғармалари орасида биринчи бўлиб Бирлашган Қиролликда бундай тадбирни амалга оширишди. Бу эса Британия вакиллари томонидан мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ноҳукумат ташкилотларининг амалий ривож топаётганини тасдиқловчи далил сифатида қабул қилинди.

Бўлиб ўтган учрашувлар ва музокаралар самараси ўлароқ, томонлар кейинги йилнинг биринчи ярмида Тошкентда Буюк Британия хайрия ташкилотлари вакиллари иштирокида амалий анжуман ўтказишга келишиб олдилар.

**"Жаҳон" АА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

**ҚИСҚА сатрларда**

• **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 5-стоматология поликлиникасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар ҳамда Юнусобод туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» деб номланди.

• **ЎТГАН** куни Йўлдош Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида бўлиб ўтган «Ислом динида одоб-ахлоқ масалаcи» мавзуидаги тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Собир Раҳимов туман бўлими томонидан уюштирилди.

• **КЕЧАДАН** Сергели туманида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилигига сайловлар бошланди.

• **БУГУН** Миробод туманида жойлашган Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг туман Кенгаши ташаббуси билан декабрда ўтадиган 2 палатали парламентга сайловларга тайёргарлик масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

• **БУГУН** Тошкент шаҳар Саломатлик марказида шифокорлар, фаол аёллар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда аёллар саломатлигини асрашнинг муҳим омиллари ҳақида сўз борди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов бошқарди.

Мажлисда радиочастота спектри техник назорати тизими қурилиши иккинчи босқичининг бориши кўриб чиқилди. У бутун республика ҳудудида самарали радионазорат учун шароит яратувчи радиомониторинг тизими ўрнатилишини кўзда тутади. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилиши ноқонуний фаолият кўрсатган узатгичларни аниқлашда ижобий натижа берди. Ўтган даврда радионазорат пунктлари томонидан 12281 эфирга чиқиш ҳолати қайд этилди ва 1160 та ноқонуний фаолият кўрсатган узатгич аниқланди.

Мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичи Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланишни самарали бошқариш бўйича дастурий таъминотни ҳам кўзда тутади.

Шунингдек, мажлисда 174-230 МГц ва 470-862 МГц частоталар полосаларида рақамли телевизион узатишни режалаштириш, бошқа хизматлар радиоэлектрон воситалари ишлаши учун бу полосалардан фойдаланиш шартлари, радиочастота регистрини яратиш масалалари кўриб чиқилди. Радиочастота спектри фаолиятини яхшилаш, радиотелефон алоқасининг янги тизимларидан фойдаланишга оид чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА**





*Қадриятларимиз*

# УМРИ БОҚИЙ МЕҲРЖОН

**«Мен доимо халқ сайилларига эҳтиром билан қарардим», деб ёзиб қолдирган эди буюк Соҳибқирон Амир Темур. Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда катта халқ сайиллари, миллий байрамларимизнинг нишонланиши халқимизнинг ўзлигини англашга, қадимий унутилган байрамларини тиклашга замин бўлди.**

Мана, меҳр-мурувват, шукроналик байрами — Меҳржон ҳам Мустақиллик меваси сифатида юртимизга кириб келди. Куни кеча шаҳримизнинг сўлим гўшаларидан бўлмиш Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида эрта тонгдан янграган карнай-сурнай, ноғора наволари барча ҳамшаҳарларимизни Меҳржон — меҳр-мурувват байрами анъанавий халқ сайлига чорлади. Қадриятларимиз улуғланган ушбу Меҳржон қадимда олтин кузнинг дебочаси — мезон ойида қарши олинган. Ушбу байрам 1990 йилдан бошлаб диёримизнинг кўпгина вилоят ва туманларида қайта нишонлана бошлади. Наврўз каби Меҳржон ҳам энг катта байрамлардан бўлиб, қадимда бир неча кун давомида Она заминга, меҳнаткаш деҳқонга таъзим сифатида нишонланган.

Меҳр ва мурувват йилига бағишланган ушбу байрам дастуридан ўрин олган «Эъзоз» даврасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб йиғилганларни Меҳржон байрами билан қутлади. Шунингдек, Меҳржон байрами ҳам Наврўз каби умри боқий бўлишини, Меҳржон — она заминнинг саховати, инсонга мурувввати эканлигини таъкидлаб ўтади. Шундан сўнг Меҳржон байрам сайлининг ташаббускори элшунос олим Билол Аминовни шоир, адабиётшунослар, рассомлар жамғармалар вакиллари ва бошқалар сўзга чиқиб табриклашди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги дилбар куй-қўшиқлар, аскиячилар ижросидаги ичакузди пайровлар байрам сайлига ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади. Байрам мушоирасида эса шоирлар ўз шеърларидан ўқидилар. «Меҳржон» театр-студияси ижодкорларининг театрлаштирилган томошалари ҳам йиғилганларга бир олам завқ бағишлади.




Халқимиз учун қадрли бўлган шодиёна сайил куни она замин саховати, олтин куз неъматлари, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг кўргазма савдоси, шунингдек, халқ миллий ҳунармандчилиги кўргазмаси ташкил этилди. Турли хил спорт ўйинлари, миллий-маданий марказларнинг бадиий жамоалари томонидан намойиш қилинган концерт дастурлари байрам иштирокчилари эътиборини жалб этди. Шу куни сайил тантаналарида таниқли олимлар, ёзувчи-шоирлар ва санъаткорлар қатнашдилар. Биз Меҳржон байрам сайли ҳақида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

**• Билол АМИНОВ, элшунос олим:**

— Мен бугун ниҳоятда хурсанд ва бахтиёрман. Чунки шукроналик, мурувват, саховат ғояларининг ифодаси бўлган анъанавий «Меҳржон» халқ сайли яна давом этадиган бўлди. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича «Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон ҳам заминнинг икки кўзидир». Меҳржон дегани — меҳри қуёш одамлар демак, ўта меҳрибон ва саховатли инсонлар демак. Меҳржон дегани — ўзини эмас, ўзгалар дарди билан яшайдиган инсонлар демак. Озод замон, озод замин, озод Ватанимизда шукроналик байрами — Меҳржонимизнинг юксак парвозини кўриш ҳали кўп авлодларга насиб этажакдир.

**• Искандар РАҲМОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:**

— Меҳржон — халқимизнинг шукроналик байрамидир. Бу эса ўз навбатида эл-юрт озодлиги, ободлиги, кўнгил шодлиги билан чамбарчас боғлиқ узилмас жараёндир. Саховат, шукроналик байрами Меҳржоннинг бошланиши муборак мезон ойининг дадил одимлар билан олам узра кириб келишидан дарак беради. Шундай экан,. ҳар йили кузда мезон ойида юртимизда оммавий тусда меҳр-мурувват, саховат байрами — Меҳржонни ўтказиш ҳаёт, замон ва замин талабидир.

**Меҳржон тилларда,**
**дилларда мудом,**
**Яшариб бардавом**
**навқирон бўлсин.**
**Одамлар меҳрни**
**нондек асрайлик,**
**Она ер қўшиққа,**
**нурларга тўлсин.**

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган Меҳржон анъанавий халқ сайлидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# ХИТОЙ ЭКСКАВАТОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**ХХР тижорат вазирлиги Ўзбекистонга қиймати салкам 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ирригация- мелиорация техникасини етказиб бериш тўғрисида битим тузган эди.**

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ушбу шартнома доирасида 44 та гидравлик экскаватор ва 11та бульдозер, шунингдек, уларга эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Шартнома шартларига кўра Хитой томони ўзбекистонлик мутахассисларни техникани бошқаришга ўргатади.

Шартнома ХХР ҳукуматининг 50 миллион юан ( 6,1 миллион АҚШ доллари) миқдоридаги маблағлари эвазига молиялаштирилади. Мазкур маблағ Ўзбекистон ҳукуматига 2004 йил баҳорида Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун берилган эди.

Чунончи, Хитой томони йигирма йил муддатга, жумладан ўн йиллик имтиёз билан 30 миллион юан миқдорида фоизсиз кредит ҳамда 20 миллион юан миқдорида кредит маблағлари берди.

Маълумки, собиқ шўролар даврида Ўзбекистонда пахта етиштиришга қаратилган ирригация лойиҳаларига зўр берилган эди. Айни пайтда кенг кўламда тупроқ эррозиясига,унинг шўрланишига олиб келди.

Хозирги кунда республикада тахминан 350 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилмоқда. Шунингдек 30 минг километр узунликда коллектор-дренаж тармоғини қайта барпо этиш сизот сувларини чиқариб ташлаш учун янги коллекторлар қуриш режалаштирилмоқда.

Маълумки, мелиорация ва ирригация соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш кўп миқдордаги молиявий ресурсларни талаб қилади. Уларнинг аксарият қисми ҳукумат кафолати билан олинган чет эл кредитлари ҳисобидан жалб этилмоқда.

# МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**Тошкент давлат маданият институтида маданий-маърифий ислоҳотлар ва ижтимоий-маданий фаолиятга бағишланган илмий амалий анжуман ўтказилди.**

Анжуманда Ўзбекистоннинг маданий-маърифий соҳадаги ислоҳотлари, уларни амалга оширишда маданият муассасаларининг ўрни ва роли ҳақидаги маърузалар тингланди.

Ижтимоий-маданий фаолият, айни шу соҳада ёш малакали кадрлар тайёрлаш, аҳоли билан ишлаш каби масалалар мутахассислар диққат-эътиборида бўлди. Шунингдек, институтнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти, яратилган шарт-шароитлардан қай даражада фойдаланилганлиги ва бундан кейинги режалари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мен яқинда супермаркетдан товар сотиб олувдим. Билсам сотувчи менга нуқсонли товар сотибди. Товарни қайтариб олиб бориб берсам, сотилган нарса қайтариб олинмайди деб сотувчи менга қўпол муносабатда бўлди. Мен қандай йўл тутишим керак?**

**Мадина Рустамова, тарбиячи**

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасига кўра сиз қуйидагилардан бирини талаб қилиш ҳуқуқига эгасиз.

— товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

— товарни бошқа маркали шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш;

— харид нархини нуқсонга муносиб равишда камайтириш.

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тарзда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артилкулли) товарга 7 кун муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан 20 кун ичида алмаштириб бериши шарт.

* * *

**Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида билмоқчи эдик.**

**Н.Усмонова, М.Солиҳова, уй бекалари**

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

* * *

**«Айбсизлик презумпцияси» деган тушунчани кўп бор эшитганман. Шу ҳақда маълумот берсангиз?**

**Сарвиноз НИШОНОВА, талаба**

Унинг маъноси шуки, жиноят содир бўлишида айбланувчи шахс айби исботланмагунча айбланувчи деб ҳисобланиши мумкин эмас. Қатор давлатларда айбсизлик презумпцияси одамларни гаровга ёки кафолатга олиш учун асос бўлмоқда. Бу эса айбланувчи шахснинг судга қадар озод юришини билдириши мумкин.

**Жавоблар Тошкент Давлат юридик институти талабаси Қундузой РОЗИМОВА ва таҳририят ходимлари ҳамкорлигида тайёрланди.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Ўз нафсини деб бойлик қидиришдан қочиш натижаси роҳат, эл молидан таъма ипини узиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билиб, айбини топаман дейишдан қўл ювиш натижаси юксак хулқдир.

● Тинч бўлай десанг нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.

● Саломатликнинг қадри кетгандан сўнг билинади.

● Бир табиб бир одамнинг олдига келиб:

— Мен сенга учта нарса олиб келдимки, улар сендан ўзга кишига арзимайди, — деди.

— Улар нималар экан? — сўради улуғ киши.

Табиб баён қилиб деди:

— Сочни бўяйдиган рангки, у билан сочингни бир бор бўясанг, умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дорисики, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай қўпол ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилкалаб ташлайди. Учинчиси, шундай бир дорики, ундан истеъмол қилсанг йигитлик айёминг қайтиб келади.

Табиб сўзини тугатгач, улуғ киши унга қараб деди:

— Сен олиб келган соч бўёғи алдов мояси, мағрурлик нишонаси, қариганда ёшларнинг қилиғини қилиш одамга ярашмайди. Қари кишига оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен оқсочларимни қора зулматга алишмайман. Айтган ҳазм дорингга келсак, мен кўринган овқатни еяверадиган одамлардан эмасман. Еганда ҳам ошқозоним ҳазмига ожиз бўлмаганларини ейман, учинчи дорингга келсак, бундай дори ҳою ҳавасга берилган аҳмоқ одамларга керак. Ўзининг савобли ишларини ташлаб қўйиб, кун бўйи хотинлар олдида хушомад уриб ўтирадиган киши бахтсиз кишидир.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир. Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.

● Насиҳат қабул қилмаган кишига насиҳат қилмоқ ўз қадрини синдирмоқдир. Очкўз кишини очкўзликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда йўқотмоқдир. Жаҳонда тараққий қилмоқни ихтиёр қилган кишилар иши одобга яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга суянмоқ ва ҳамсуҳбат бўлмоқдир.

● **Яхшилик қилишга**
**бўлмаса имкон,**
**Ёмонлик қилмагин,**
**қайтар ўзингга.**
**Қўполликни ташлаб,**
**лутфингни кўрсат,**
**Токи чўп тушмагай**
**соғлом кўзингга.**
**Бировнинг ғийбатин**
**қилмагин асло,**
**Ночорлик боқмагай**
**нурли юзингга.**
**Ҳар кимга юмшоқ сўз**
**гапиролмасанг,**
**Заҳар қўшмай гапир**
**ҳар бир сўзингга.**

● **ҲИКМАТ:** Ҳакимларнинг ҳикматларидан келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ, ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

Байт:

**Ёлғизликдан оғир**
**ганж йўқ жаҳонда,**
**Ундан бадтар нима?**
**Биласанми ҳеч?**
**Ёмон улфат билан**
**яшамоқ эрур,**
**Бундай кишилардан**
**узоқ юру кеч!**

# БУЮК БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ ЭЪТИРОФИ

**Яқинда Деҳлида "News and Views" ("Янгиликлар ва нуқтаи назарлар") номли ахборотноманинг сентябрь ойи сони босмадан чиқди. У Ҳиндистондаги ҳинд-ўзбек дўстлик жамияти муассислигида чоп этиладиган нашр бўлиб, икки дўст мамлакат ўртасидаги турли соҳалар бўйича ўзаро муносабатлар мавзусини ёритиш ушбу ахборотноманинг асосий йўналиши ҳисобланади.**

"News and Views"нинг биринчи саҳифасида "Ўзбек-ҳинд муносабатлари: янги истиқболларга бир назар" сарлавҳали мақола босилган. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар тарихи қадим ўтмишга бориб тақалиши хусусидаги мухтасар фикр-мулоҳазалар билан бошланган ушбу мақола дўст ҳинд халқи билан Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомидаги муносабатлари ривожи ҳамда уларнинг истиқболлари мавзусига бағишланган.

Ахборотноманинг ушбу сонида Ҳиндистон-Ўзбекистон дўстлик жамияти бош директори, профессор Қамар Раиснинг "Зокиржон Машраб Бобур мероси ошуфтаси" сарлавҳали мақоласи ҳам эълон қилинган. Унда таниқли бобуршунос олим, Ўзбекистон парламенти аъзоси З.Машрабовнинг буюк шоҳ ва шоир Бобур меросини тадқиқ этиш борасида олиб бораётган таҳсинга лойиқ ишлари қаламга олинган.

Бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан ҳинд профессори Қамар Раис "Бобур мукофоти"га сазовор бўлгани ҳақидаги хушхабар ҳам ахборотноманинг ушбу сонида эълон қилинган. Ҳинд адибининг икки йил олдин буюк ватандошимиз ижодига бағишланган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур — шахс, шоҳ ва шоир" номли китоби ҳамда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари таниқли ўзбек шоирларининг шеърлари унинг мутаржимлигида урду тилига ўгирилиб, Ҳиндистонда нашр этилган эди.

Шу билан бирга, нашрнинг ушбу сонида мазкур дўстлик жамияти раҳбарининг "Буюк ўзбек фарзанди — машҳур Ибн Сино Ҳиндистонда", таниқли ҳинд олими С.А.Жафрининг "Алишер Навоий — XV асрдаги буюк ўзбек шоири" сарлавҳали мақолалари ҳамда икки мамлакат маданий, илмий-адабий ҳамкорлигига оид турли хабар ва суратлар ўз аксини топган.

**Шухрат УМИРОВ,**
**"Жаҳон" АА**
**Деҳли**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## БОР БЎЛСИН ЯХШИЛИК

Бир-бирига меҳрибонлик, оқибатли бўлиш, яхши-ёмон кунларда ҳамдамлик одамийликнинг энг гўзал фазилатидир. Инсон боласи бировнинг яхшилигини, ҳамкор ва ҳамдард бўлганини ҳеч қачон унутмайди. Шоир Мақсуд Шайхзода бу ҳақда шундай дейди:

**Бир яхшилик чиқмайди эсдан,**
**Бирда чиқмас ёмонлик сира.**

«Ҳар ким экканини ўради». Халқимизнинг бу доно мақоли кўпроқ яхшилик қилган яхшилик топади, ёмонлик қилган заволга учрайди маъносида қўлланилади.

Ёшликдаги мактабдош дўстим ҳикоя қилади:

— Ўшанда анча оғир йиллар эди. Мактабнинг тўртинчи синфида ўқирдик. Аълочи ўқувчи — Аҳмаджон бир-икки кун сабабсиз дарсга келмай қолди. Ҳеч ким нега бундай бўлди деб сўраб-суриштирмади. Биз дарсларга киравердик, ўқитувчилар эса ўз машғулотларини ўтаб чиқиб кетишаверди.

Навбатдаги адабиёт дарсида ўқитувчимиз Ғани ака йўқлама қила туриб Аҳмаджонни сўраб-суриштириб қолди. Биз унга бор воқеани айтдик. Шунда Ғани ака: «Уйидан хабар олдиларингми?»,— деб сўраб қолди. «Йўқ», дедик ҳаммамиз бирдан.

— Ана холос, — деди ўқитувчимиз, — бу қандай гапки, бир дўстингиз шунча кун дарсга келмасаю, сиз унинг ҳолидан хабар олмай юраверсаларингиз. Ахир дўстлик бунақа бўлмайди-да. Бугун албатта уйига боринглар. Эртага натижасини менга айтасизлар.

Ўша куни кўпчилик билан Аҳмаджоннинг уйига бордик. Билсак, онаси оғир касал экан. У ёлғиз ўғил бўлгани учун онасини боқиб ўтирган экан. Аҳмаджон аҳволини баён қила туриб шароити оғирлигини, бунинг устига ҳатто мактабга кийиб бориш учун оёқ кийими йўқлигини айтиб, йиғлади.

Эртасига ҳамма гапни оқизмай-томизмай Ғани акага етказдик. Устозимиз ўша куни ўз ҳамёнидан пул сарфлаб Аҳмаджонга оёқ кийим олиб берди. Онасини касалхонага ётқизишда ёрдамлашди. Бу воқеага анча йиллар бўлди. Лекин шу яхшилик уруғи Аҳмаджонга бир умр мадад берди. У ҳам устозимиз каби одамларга яхшилик қилишни, эзгулик уруғи экишни орзу қилиб яшади. Ана шу яхши ният, истак ва орзу уни баланд чўққиларга етаклади.

Ҳозир Аҳмаджон катта бир олий даргоҳни бошқаради. У устозининг ўша яхшилигини сира унутмайди. Эндиликда кексайиб ҳассага таяниб қолган Ғани акани вақт топиб, ҳафта сайин бориб кўриб туради. Яхшилик қилган яхшилик топади, ёмонлик заволга учрайди, деганлари шу бўлса керакда.

Биз бу ўринда фақат яхшилик ҳақида сўз юритдик. Ёмонлик устида сўз айтишдан тийилдик. Сабаби, ёмонликнинг ўзи ҳам, оти ҳам хунукда. Бор бўлсин яхшилик.

## КИМ ХАСИС?

Кечқурун Қуйлиқ даҳасида истиқомат қилувчи қариндошларимиздан бириникига меҳмонга бораётган эдик. Таклиф қилинган вақтдан кечикаётганимиз учун киракаш енгил машина тўхтатишимизга тўғри келди. Аксига олиб кўча четида туриб бошингизни қашисангиз олдингизга келиб машинасини тўхтатиб «Қаерга борасиз, ўтиринг, олиб бориб қўяй» деб хизматингизга ҳозиру нозир ҳайдовчилардан биронтаси кўринмасди.

Ниҳоят, ишорамиз билан бир «Тико» олдимизга келиб тўхтади.

— Қуйлиққа олиб бориб қўймайсизми?

— Ҳақига талашмасангиз дунёнинг нариги бурчагига десангиз ҳам кетаверамиз.

— Хўп, қанча бўлади ҳақи?

— Қуйлиқнинг ўзига бўлса икки ярим минг, оралиқ кўчаларга кирадиган бўлсак тўппа-тўғри 3 минг бўлади, отахон.

— Бунча қиммат. Сал инсоф билан гапиринг.

— Бўпти, сизга 2 минг келишдикми, ўтиринг.

Ноилож кабинага ўтирдик.

«Олой» бозори рўпарасидан бораётганимизда бир хушрўй аёл билан ажи-бужи кўйлак кийган йигит машинамизга қўл кўтариб қолди. Ҳайдовчи шундоққина катта йўл ўртасида машинани шошқич тўхтатиб сўради.

— Қаерга борасизлар?

— Қуйлиққа.

— Айни муддао, ўтиринглар.

Ҳар иккала йўловчи чаққон кабинага ўтиришди. Машина анча йўл босгач, ҳайдовчи:

— Ҳақини келишмадик. Қуйлиққача неча сўм бўлишини биласизларми? — деб сўради улардан.

— Сўраганингизни оласиз. Фақат ҳадеб гап сотмай машинани тез ҳайдасангиз бўлгани, тузукми?

Буйруқ оҳангида гапирилган бу гапдан ҳайдовчи бироз чўчиб қолдими ёки ноўрин саволидан мулзам тортдими ҳар қалай индамайгина тезликни оширди. Йўл-йўлакай пичирлашиб, ҳиринглашиб келаётган ҳамроҳлар Қуйлиқ кўпригига етар-етмас:

— Шу ерда тўхтатинг, — деб қолишди.

Машина қаттиқ тормоз билан йўл чеккароғига ўтиб тўхтади. Аёл ва йигит машинадан тушди. Аёл сумкасини очиб санамай бир нечта 500 таликни йигитнинг қўлига берди.

— Бўладими? — сўради йигит пулнинг бетига қарамай ҳайдовчига узатиб.

Ҳайдовчи пулнинг чўғи кўплигини кўриб раҳмат айтиб уни тез йигитнинг қўлидан олдида яна шундай тезликда газни босди.

— Қани энди шунақа ҳотамтойлардан бир кунда уч-тўрттаси учраса, баъзи хасис йўловчиларнинг олдига келиб, «Қаерга борасиз» деб юзимизни шувут қилиб ўтирмасдикда, отахон, — деди йўл-йўлакай менга пичинг қилиб ҳайдовчи.

«Қизим сенга гапиряпман, келиним сен эшит» тарзида гапирилган бу гап учун ҳайдовчига боплаб жавоб бермоқчи бўлдиму, манзилимга етиб келганим сабаб у билан ади-бади айтишиб ўтиришни хоҳламадим. Машинадан индамай тушиб, ҳайдовчининг қўлига айтилган пулни узатдим.

— Ота, инсоф қилинг, — деди у, — ўзингиз кўриб турибсиз сиздан кейин машинага чиқиб, олдин тушганлар 5 минг сўм бериб кетишди. Ҳеч бўлмаса сиз шунинг ярмини беринг.

— Келишилган нархдаги пулни бердимку, яна нима дейсиз?

— Ёшингизни ҳурмат қилиб арзонроққа кўнгандим. Ўзингиз инсоф билан яна бироз қўшарсиз деб ўйловдим. Бунақа хасислигингизни билганимда машинага ўтқазмасдим.

— Ҳой, ноинсоф!— дедим асабийлашиб, — менга айтган пулингни бердим. Сен бўлсанг тиланчилик қилиб яна мендан 500 сўм ортиқча пул сўраяпсан. Ана энди ўзинг айт, ким ноинсофу, ким хасис? Сенми ёки мен?

Ҳайдовчи бир сўз демай машинани жойидан қўзғатди.

## ЧАҚИМЧИЛИК ЁМОН ИЛЛАТ

Дунёдаги мавжуд иллатлар орасида энг ёмони иғвогарлик, чақимчиликдир. Чақимчи бор жойда соғлом муҳит бўлмайди. Одамлар, ҳамкасблар орасида ишончсизлик, бир-бирини кўролмаслик, гина-адоват ҳукм суради. Шунинг учун ҳам бирон даврада чақимчилик хусусида сўз борса йиғилганлар «Чақимчининг бети қурсин», дея бу мавзуга тезроқ чек қўйишга интиладилар.

Шу хусусда бир мисол.

Халқ орасида ҳурмат-обрўга эга бўлган бир одам кўчадан ўтиб кетаётган эди. Икки киши уришиб, ёқалашиб турганини кўрди. Анча одам тўпланган эди. Ўша мўътабар зот ёқалашиб турганларни бирбиридан ажратмоқчи бўлди. Шу орада узоқда турган бир йигит мўътабар кишини пичирлаб ҳақорат қилди. Лекин мўътабар зот бунга эътибор бермади. Ёки унинг сўзини эшитмади. У йиғилганларни тинчитиб ўз йўлида мамнун давом этар экан, унинг ёнига бир одам келиб:

— Сизни фалончи ҳақорат қилди, эшитмадингиз. Ўша одам менинг қўшним бўлади. Ўзи ўлгудек бемаъни, қачон қарасанг бекордан бекорга ўзгаларнинг дилини ранжитиб юради, деб қўшнисини ёмонлай кетди. Чақимчи кетгандан кейин ўша обрўли одам чақимчи ёмонлаган кишини ҳузурига чақиртирди. У эса ўшанда бу одам мен ҳақорат қилганимни эшитган эканда, деган хаёлда қўрқа-писа унинг ёнига келди.

— Эй одам, гарчи мен сенинг кимлигингни яхши билмасамда сенга бир гапни айтиб қўйишни ўзимнинг бурчим деб ҳисобладим. Бир чақимчининг айтишича, сен мени орқаваротдан ҳақорат қилган экансан. Гапингни эшитмаганим учун сенга ҳеч қанча ҳусуматим йўқ. Фақат сени бир нарсадан огоҳлантириб қўймоқчиман. Ўша ярамас чақимчи сенинг қўшнинг экан, ундан эҳтиёт бўл. У чақимчи ўз қилмиши билан бир кун келиб сенга зарар етказиб қўйиши мумкин. Бундан кейин у билан ошначилик қилма. Сабаби иғвогар, чақимчи энг ярамас одамдир, — деди сўзига якун ясаб.

Қиссадан ҳисса:

**Бўлмагил ҳаргиз чақимчи, эй ўғил,**
**Оқил одамлар сўзини қил қабул.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● **Автобус тирбанд. Кимдир «ушланглар телефонимни ўғирлашди» дея бақира бошлади. Автобус бекатга яқинлашганлиги боис тўхтади.**

Ўғри эса автобусдан тушибоқ қочиб кетди. Жабрланувчи М.Бобур танг аҳволда қолди. Кейин у милиция ходимларига хабар қилиш учун яқин бўлган таксофонга югурди. Воқеадан воқиф бўлган ички ишлар ходимлари зудлик билан жиноятчини қўлга олди. У ҳеч қаерда ишламайдиган Д.Холмат эканлиги аниқланиб, 150000 сўмлик «Нокия» русумли уяли телефон аппарати ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Энди мазкур жиноятчини жазо кутяпти.

● **Ҳеч қаерда ишламай кимларнидир қон йиғлатиб мўмай даромад топиш баъзи бировларнинг кундалик юмушига айланиб қолган.**

Ана шундай кимсалар ғирт бекорчи сирдарёлик Т.Ўткир ва Тошкент вилоятидан Б.Одиллардир. Ушбу боқиманда шахслар ўзаро жиноий тил бириктириб Қўйлиқ 4 мавзеда А.Абишбоевни уриб тан жароҳати етказиб, 15000 сўмлик оёқ кийими, 6000 сўмлик кўйлаги, 150 АҚШ доллари, 3000 сўм пулини олиб қочиб кетганлар. Жабрланувчига талон-тарож қилинганлиги етмагандай, баданининг кўкариши ташҳиси билан тиббий ёрдам кўрсатилган. Жиноятчиларнинг эса хурсандлиги узоққа чўзилмади. Улар тартиб посбонлари томонидан ушланиб, қонун олдида жавоб бериш учун ички ишлар идораларига олиб кетилди.

● **Чилонзор туманидаги «Гагарин» кинотеатри атрофи. Кеч кириб, вақт алламаҳал бўлиб қолган.**

Кексайиб, анча қариб қолган И.Бобоқул бобо бекатда автобус кутиб турарди. Шу пайт икки барзанги йигит келиб, отахонни қўрқита бошлашди ва уни туртиб юбориб, қўлидаги сумкадан 80000 сўм пулини олиб қочиб қолишди. Лекин безориларнинг чаққонлиги фойда бермади. Улар шу атрофда хизмат юзасидан айланиб юрган ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Жиноятчиларнинг ҳеч қаерда ишламайдиган Т.Зубнов ва Н.Игор эканлиги маълум бўлди. Энди улар панжара ортида ҳам қонун олдида биргаликда жавоб берадилар.

**Сарвар СОБИРОВ**

---

Собир Раҳимов тумани «Коммунал таъмирлаш-аварияни тиклаш хизмати» давлат унитар корхонаси Собир Раҳимов тумани «Коммунал таъмирлаш аварияни тиклаш хизмати» шу номдаги очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилади ва у унитар корхонасининг ҳуқуқий ворисси бўлиб, унинг барча мажбуриятлари учун жавобгардир.

**Тел. 29-24-09**

---

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Султонович Раҳмоновга отаси

**Султон РАҲМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

# БИР КУНИ ШОИР БЎЛАРСИЗ...

**(«Университет жумбоқлари» туркумидан)**

**Деярли ҳар оқшом шундай ўтади:**

**— Яхшимисиз, Шавкатжон, — Саъдулла ака қўлтиғидаги қоғоз папкани шоша-пиша столда сочилиб ётган дафтарларим устига қўйиб икки қўлини кўришиш учун чўзади. Шунда кафтининг ғадир-будири қўлимнинг терисини сидириб юборгудай туюлди.**

— Ҳорманг энди, ўқишлар билан... — ҳокисорона гап бошлайди, у. — Ижодлар гуллаяптими? Бир суҳбатингизни олай деб... Шу... камтарона ижодимдан бир... — папкасини очиб қоғозларини титкилай бошлаганини кўриб юрагим увишади. Саъдулла ака бундан бехабар дафтар-китобларимни бир чеккага суриб қўйиб рухсат сўрамаёқ шеър ўқишга тутинади.

Кейин кўзлари мўлтираб оғзимга тикилади. Мен индамайман. У тикилиб ўтиравeради. Мен эса нима дейишимни билмайман.

— Шавкатжон, — секин гап бошлайди у, — шу... фикрингизни...

Мен билинар-билинмас «уф» тортаман.

— Саъдулла ака, мен катта шоир бўлмасам ахир. Айтганим билан...

— Майли, Шавкатжон, майли... — шоша-пиша гапимни бўлади у, айтмасангиз ҳам майли...

— Шеърингизни бошқа одамга кўрсатсангиз яхши бўларди, — дейман вазиятдан чиқиш учун.

— Ҳа-ҳа, кўрсатдим, — дейди у, — Маҳмуджон деган йигит бор экан, филфакни битирган. Ўшанга кўрсатдим. Индамади...

—У ҳам индамадими?

— Лом-мим демади-да, ҳатто кўнглим учун ҳам.

— ... Бошқа шоирларнинг шеърларини ҳам ўқиб турасизми? — дея сўрайман овозим бўғилиб.

— Ҳа, ўқийман. Кечаям ўқидим... Сиз айтган шоирларниям...

— Унда сиз мана бу шеърни эшитинг.

**Бағрингда гул каби**
**очилса дардлар,**
**Уйғотса минг йиллик ғафлатдан кимдир.**
**Кимнингдир нафаси**
**ёндирса чўғни,**
**Ёнаверса оловдек энг юксак сўзинг,**
**Яшасанг арзийди**
**бир Шоир бўлиб!**

Мана сизга шеър! Мана сизга ижтимоийлик! Тушуняпсизми? Шоир бўлишни истасангиз, кўнглингиздаги гапларни ёзинг, мадҳия керак эмас ҳозир! Тушунтира олдимми? Кеча мен сизга берган китобни ўқидингизми? «Она тилим»ни эсланг! Бирон нима юрагингизга тегиб кетдими? Сизга таъсир қилдими? Ана ўша ижтимоийлик! Ана ўша ҳақиқий шеър! Бунингиз нима? Йўқ, Саъдулла ака, шоир бўлмоқ учун дард чекмоқ керак! Сизнинг юрагингизда дардларингиз борми? Бор бўлса ёзинг, дардингизни ёзинг!

Саъдулла ака дағал қўллари қовушмай китобни очади:

— «О-на ти-ли-ми»... Шавкатжон?!. Шу улуғ Алишер дегани учун зўрми шеъри?

— Уф!!!

... Деярли ҳар оқшом шунга ўхшаш гаплар бўлади. Бундай суҳбатлардан безиб хонамдан кўчар ҳолатга келган кунларимнинг бирида дўстим Зоҳид келиб қолди. Қисиқ кўзли, қушбурун, оқ-сариқ бу йигитнинг аччиқ истеҳзолари сабаб, дурустроқ кўрган куни йўқ.

Ошни дамлаб, эртага бўладиган семинарга бориш масаласини ҳал қилмоқчи бўлиб турсак, Саъдулла ака кириб келди.

— Ҳорманг, Шавкатжон, ижодлар билан!. Э-э-э, Яхшимисиз? Ўқишлар қандай? Шавкатжон, бу укам ҳам шоирларданми?

Мен ичимдан тошиб келган кулгини босиш учун зўраки йўталиб қўйдим.

Зоҳиднинг эса кўзлари қисила бошлади. Бу унинг қизиқсинганлигидан далолат эди.

— Шеър ёзасизми?

— Ҳа, бироз ижод қилиб турамиз.

— Яхши-яхши...

Зоҳид суҳбатдошини бошдан — оёқ кузатиб чиқди.

— Қаерда ишлайсиз?

— Қурилишда... Ғишт тераман, кенноийингиз уйда...

— Ҳм... Анчадан бери ёзасизми?

— Ҳа, шу... бир-икки йилдан бери...

— Болалардан бордир?

— Ҳа, еттитаси катта бўляпти...

— Ҳм... Шеър денг... Қани, бир эшитайлик!

— Зоҳид, ошни сузаман, сал сабр қил, кейин...

— Сузавер, — Зоҳид ҳамсуҳбатига юзланди, — қани, эшитайлик бўлмаса?

Яна қоғозлар шитирлай бошлади.

... Мен ошни сузиб кирганимда Саъдулла ака берилиб шеър ўқирди.

Шеър тугагач, Зоҳид иягини қашиганча ўйланиб қолди. Кейин рўпарасидаги суҳбатдошининг нимдош костюми, пилтаси ўйнаб кетган дўпписи, дазмол урилавериб ялтираб кетган шимининг почасига бир-бир қараб чиқди-ю, секингина гап бошлади:

— Энди, шеърингиз... — кейин негадир қўлини силтади, — майли, ёзаверинг, ака! Бир кун сиздан ҳам шоир чиқиб қолар!

Кутилмаганда Саъдулла аканинг кўзлари жиққа ёшга тўлди:

— Раҳмат, Зоҳиджон, ука!. Раҳмат...

Саъдулла ака ошга унамай чиқиб кетди. Мен Зоҳидга қарадим. У деразадан қоронғулик қўйнига сингиб бораётган Саъдулла акани кузатиб ўтирар эди.

... Ош ҳам совуб қолди...

**Рисолат ҲАЙДАРОВА**

---

*Бўш вақтингизда*

# КРОССВОРД



**Ёйлар бўйича:** 1.Россия Федерациясидаги вилоят. 4. Жанубий Америкадаги давлат пойтахти. 5. Таълим-тарбия бериш фани. 6. Қуруқлик ва сувда ўсувчи, уруғсиз юксак тузилган ўсимлик. 25. Давлатнинг хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳаси фаолияти. 27. Статистиканинг аҳоли сони, ўсиши ва бошқа жиҳатларини ўрганувчи бўлими. 32. Шартли равишда қабул қилинган белги, ишора. 36. Америкалик биолог олим.

**Энига:** 7. Емакхона. 9. Мақолдан: «...ўлчаб бир кес». 19. Денгиз йиртқичи. 16. Эпчил, чаққон. 17. Юнон математик олими. 19. Шеърий вазн. 20. Фарғона водийси шаҳри. 26. Осиё жанубидаги Вьетнам мамлакатининг порт шаҳри. 28. Миллий либос. 29. Лотин ҳарфи. 33. Ҳиндистондаги дарё. 35. Баҳо.

**Бўйига:** 2. Моҳир тикувчи. 3. Вақт ўлчови бирлиги. 10. Осиёдаги тоғлик. 11. Ёғ тури. 12. Иззат-ҳурмат. 14. Чопқир от. 15. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 22. Йўл. 23. Ширинлик. 24. Европа давлати пойтахти. 30. Очқич ўлчови бирлиги.

**Рақам атрофига белгиланган хонадан**: 8. Углерод ва водороддан иборат заҳарли саноат`гази. 18. Эшкакли спорт қайиғи тури. 21. Марказий Осиёдаги ўзлаштирилган дашт. 34. Математикада мустақил ўзгарувчи миқдор.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Мақолдан: Кўпдан кўп 3, 7, 1. чиқар. 2. Ип газлама — 6, 3, 4, 2, 5.

Шакл атрофидаги рақамларни очқич сўзларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан Луқмони Ҳакимнинг азиз фарзандига ёзиб қолдирган юз насиҳатидан бирини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Энига:** 1. «Қобуснома». 2. Ўрик. 3. Илон. 4. Руда. 5. Ғазал. 6. Омин. 7.Онт. 8. Ишқор. 9. Шинни. 10. Уран. 11. Икра. 12. Оби. 13. Севан. 14. Мош.

**Бўйига:** 1. Қўрғошин. 2. Орган. 3. Икс. 4. Биз. 5. Ре. 6. Украина. 7. Сеул. 8. Шин. 9. «Нидо». 10. Қуён. 11. Олам. 12. Ором. 13. Моҳир. 14. Або. 15. Анд. 16. Нун. 17. Иш.

**МУАММОНОМА**

**Ҳикмат: Дўст-дўстга қувват.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009.

1 2 3 4 6